
МУРҒАК КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Янги йил байрамини ҳаммадан ҳам болажонлар орзиқиб кутишади. Бу сеҳрли байрам ўзининг эртақнамо лаҳзалари билан мурғак кўнгилларга олам-олам қувонч улашиши тайин.

Бугун шаҳримиздаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 22-сонли мактаб интернатида таҳсил олиб келаётган ўқувчилар ҳам ушбу байрамнинг бетакрор шукуҳини яна бир бора юрак-юракдан ҳис этдилар.

Боиси ушбу таълим масканида шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов бошчилигидаги сектор раҳбарлари иштирокида байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбир давомида болажонлар ижросида янграган байрамона куй ва қўшиқлар, турли сахна кўринишлари тадбир иштирокчилари томонидан давомий карсаклар ила олқишланди.

Айниқса, Янги йил байрами совғалари мурғак кўнгилларга олам-олам қувонч улашди.

2022-12-23 16:35:52